ЎзССР Давлат китоб палатаси
Рес. кит. палатаси ЎзССР

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 67 (8.265) ◆ 1993 йил 15 апрель, пайшанба ◆ Нархи 5 сўм

ТУРКМАНИСТОНГА САФАР

14 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси Туркманистоннинг пойтахти Ашгабад шаҳрига жўнаб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сафар арафасида журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, тили, дилигина эмас, балки тарихи, тақдири ҳам муштарак бўлган ён ва жон қўшнимиз Туркманистон истиқлолга эришгач, ўз бойликларига ўзи соҳиб бўлганини таъкидлади. Ўзбек ва туркман халқларининг азалий ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш ҳар икки мамлакат учун ҳам манфаатли бўлишини қайд этди.

Ўзбекистон Шимол, Жануб, Шарқ ва Ғарбга чиқадиган дарвозаларга эга бўлмоқда, — деди Ислом Каримов, — ҳеч бир мамлакат алоқа йўлларини, автомобиль, ҳаво ва темир йўл тармоғини ривожлантирмай туриб тараққиётга эришолмаган. Марказий Осиё давлатларининг, жумладан, Ўзбекистон билан Туркманистоннинг бу соҳалардаги баҳамжиҳат ҳаракати келажакда қудратли ва буюк давлатга айланишимиз ҳамда қадим Туркистон заминида яшаётган барча халқларнинг фаровон турмуши учун барқарор замин яратади.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президентини Республика Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов ва Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков кузатиб қолдилар.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси Туркманистон пойтахтига етиб келди.

Ашгабад аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президентини Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Журналистлар билан аэропортда бўлиб ўтган қисқа мулоқот чоғида ҳар икки давлат раҳбари мамлакатларимиз халқларининг боболаримиздан бошланган ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш, Марказий Осиё давлатлари ҳамдўстлигини мустаҳкамлаш халқларимизни фаровон ҳаётга олиб чиқувчи истиқболли йўл эканини таъкидлади.

Кутиб олиш маросими ниҳоялагач, Ўзбекистон ҳукумат делегацияси аъзолари Ашгабад шаҳри жанубидаги янги барпо этилаётган меҳмонхона ва элчиҳоналар комплекси ҳамда турар-жой даҳалари билан танишишди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзовнинг яккама-яккэ суҳбати бўлиб ўтди.

Ҳар икки мамлакат Президентлари тушдан кейин Туркманистон давлат дорилфунуни талабалари билан учрашдилар. Президентлар азалдан қондош бўлган халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва биродарликни юксалтиришда, давлатларимиз қудратини оширишда мамлакатларимиз ёшлари олдида катта вазифалар турганини қайд этдилар.

Оқшом чоғи Президент саройида ҳар икки мамлакат раҳбарлари расмий делегациялар ўртасида бўлиб ўтган ўзаро мулоқотлар ва музокараларга якун ясар эканлар, уларнинг самарали бўлганини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни кечқурун Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзов ҳамроҳлигида Чоржўй шаҳрига жўнаб кетди.

(ЎзА).

Кейинги пайтларда ижарадаги «Орзу» чарм-атторлик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари хилма-хил бўлишига эришилмоқда. Бунда корхонанинг тикиш цехида ишлаётган ишчиларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

СУРАТДА: маҳсулотларнинг янги турларини тикиш цехида иш қизғин.

Рустам Шарипов сурати.

ШОИРНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИ

Кеча Ғафур Ғулом таваллудининг 90 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш шаҳар ташкилий комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда атоқли ўзбек шоири юбилейини ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Тошкент шаҳар бош бошқармалари, бошқармалари, хизматларининг раҳбарлари Ғафур Ғулом таваллудининг 90 йиллигига кўрилаётган тайёргарлик ҳақида ахборот бердилар. Ана шу сана муносабати билан Тошкент Давлат университетида илмий-амалий анжуман ва хотира кечаси ўтказиш мўлжалланган. Пойтахтдаги меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, ташкилот ва муассасаларда, маҳаллаларда ҳам шоирнинг порлоқ хотирасига бағишланган кечалар бўлиб ўтади. Шаҳар кинотеатларида Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилади.

Мажлисни ташкилий комитет раиси, Тошкент шаҳар Ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Жалилов олиб борди.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Нукус кабель заводининг биринчи навбати қурилиши ниҳоясига етмоқда. У Марказий Осиё давлатларидаги шу тармоқнинг энг йирик корхоналаридан бири бўлади. Бу ерда ҳозир Германиянинг машҳур «Скет» фирмаси машина-ускуналари ўрнатилмоқда.

● Бугун Тошкент вилояти вакиллари Тожикистоннинг Ленинобод вилоятига жўнаб кетдилар. Хўжанда ҳар икки қўшни вилоят ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш юзасидан шартномалар имзоланади.

● «Тошқурилиштранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси таъмирлаш заводи негизида ташкил этилган «Автош» Чехословакия — Ўзбекистон қўшма корхонаси тайёрланган дастлабки 10 та «Авиа» автомобилларини сотувга қўйди. Уларнинг бир қисми Прагада, бир қисми эса Тошкентда йиғилган.

● Бугун Ўзбекистон ёнғиндан муҳофаза этиш хизматининг 75 йиллиги нишонланмоқда.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Эртага Минскда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиши мўлжалланяпти.

● Кеча Москвада Россия Федерацияси таркибига кирадиган республикалар раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Россия сайловчиларига 25 апрелдаги референдумда фаол иштирок этиш мурожаати қабул қилинди.

● Тожикистон Олий Кенгашининг раёсати «Тожикистонга тинчлик ва тотувлик» шиори остида 17 апрель куни умумхалқ ҳашари ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Кеча Россия Федерациясининг Олий судида 1991 йил август ойида давлат тўнтаришига уринишда айбланаётган собиқ СССРнинг 12 давлат ва жамоат арбоби устидан суд жараёни бошланди. Айбланувчилар давлат айблов вакилларига ишончсизлик билдирганликлари сабабли бу суд жараёнининг тақдири қандай бўлиши ҳозирча номаълум.

● 1993 йил 1 апрелдан Россия давлат ва ҳукумат раҳбарларининг маошлари 1,9 баравар оширилди.

● Қозоғистон ҳукумати республикада паспорт тизими тўғрисидаги низом лойиҳасини кўриб чиқишга киришди. Ёзувлар қозоқ, рус ва инглиз тилида бўладиган паспортлар 16 ёшга тўлган барча республика фуқароларига 1994 йил 1 январдан берила бошланади. Қозоғистонда ҳозир амалда бўлган собиқ СССР паспортларини алмаштиришни 1996 йил охиригача тугаллаш режаланган.

● Қирғизистоннинг Норин қўрғонидан 35 километр узоқликда 5 балл куч билан ер силкиниши бўлди. Қурбонлар йўқ.

ХОРИЖДА

● Бугун Токиода тараққий этган 7 давлат молия вазирларининг учрашуви ниҳоясига етади. Дастлабки маълумотларга кўра Ғарб давлатлари бу учрашувда Россияга 30—40 миллиард доллар атрофида ёрдам кўрсатишни мўлжаллаяптилар.

● Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козирев Токиода Япония ташқи ишлар вазири Кабун Муто билан учрашди. Унда Россия Президенти Борис Ельциннинг Японияга май ойи охирларига мўлжалланаётган расмий ташрифи масалалари муҳокама этилди.

● Польша билан Эстония ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилишни режалаштирмоқдалар. Ўзаро ахдлашувларга кўра Польша Эстонияга ҳарбий техника етказиб бериш ҳамда зобитларни тайёрлашда кўмаклашиш ниятида.

● Болгария пойтахти — Софияда Қизил Армияга ўрнатилган ёдгорликни олиб ташлашга киришилди.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озарбайжон қочоқларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Мужоҳидлар яна Кобулга ракета зарбаси бердилар. Шаҳарга қарийб 80 та ракета ёғдирилиши оқибатида тинч аҳоли ўртасида кўплаб қурбонлар бор. Лекин ҳозирча мужоҳидларнинг қайси гуруҳи ракета зарбаси берганлиги номаълум.

● Футбол бўйича Россия терма командаси кеча Люксембург жамоасини унинг майдонида 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Бу ғалабадан сўнг россиялик футболчилар жаҳон биринчилиги саралаш мусобақаларининг бешинчи гуруҳида пешқадамлик мавқеини янада мустаҳкамладилар.

Аъзолар сони ошмоқда

ШАЙХОНТОҲУР туманидаги «Янги шаҳар» маҳалласида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бошланғич ташкилоти тузилганига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, унинг сафидан ўрин олаётганлар сони тобора ортиб бормоқда. Яқинда бошланғич партия ташкилотининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тоҳир Раимов ва Ҳусан Умаровлар партияга қабул қилинди.

Шунингдек, маҳаллада партия ташкилоти фаоллари ёшлар тарбиясига катта эътибор билан қараш, армия сафига қабул қилишда тушунтириш ишларини намунали ташкил этиш ҳамда уни уюшқоқлик билан ўтказишга кўмаклашиш ҳақида келишиб олдилар.

Асадулла ҒАЙБУЛЛАЕВ.

Муҳим ҳужжат маъқулланди

ЁШЛАРНИ ҳарбий хизматга тайёрлаш республика халқ таълими тизимида мажбурий давлат предмети сифатида ўқитилмоқда. Умумтаълим мактабларида, ўрта ҳунар-техника билим юртларида, ўрта махсус билим юртларида, гимназияларда, лицей ва бошқа ўқув юртларида бу предметни ўқитиш борасида маълум тажрибалар орттирилмоқда.

Ушбу таълимий жараённи амалга оширишда турли усуллар қўл келмоқда. «Ҳарбий хизматга чақирилувчилар кун»ини ўтказиш ҳам ёшларда қизиқиш уйғотмоқда.

Ушбу предметни янада яхши йўлга қўйишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги қатор тадбирларни кўрди.

«Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш концепцияси»нинг ишлаб чиқилиши нур устига аъло нур бўлди.

Акбар АЛИЕВ.

Давлат назорат комитетининг Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси ҳайъатининг мажлисида «Фармация» шаҳар ишлаб чиқариш бирлашмаси ва пойтахтдаги қатор даволаш муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоя этиш бўйича фармонлари ижросини текшириш якунлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорат комитетининг Тошкент шаҳри бўйича бошқармасида

ДОРИХОНАЛАР ИШИ—НАЗОРАТ ОСТИДА

Бугунги кунда беморлар ҳам, тиббиёт ходимлари ҳам дори-дармонлар тақчиллиги муаммосига тез-тез duч келмоқдалар. Ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, умуман шаҳар бўйича иссиқликни туширувчи, шунингдек сил, қанд, тери ва бошқа касалликларни даволашда ишлатиладиган дори-дармонлар билан аҳолини таъминлашда муайян қийинчиликлар содир бўлмоқда. «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўтган йили дори-дармонлар ишлаб чиқарадиган 175 та корхонадан фақат 98 таси билан дори-дармонлар етказиб бериш юзасидан шартномалар тузган. Бунинг устига буюртма берилган 3200 турдаги дори-дармондан атиги 600 таси олинди. Амалда юрак-қон томир касалликларини даволаш учун ғоят зарур дори-дармонлар етказиб бериш барбод этилди.

Тўғри, аҳолини дори-дармонлар билан тамъинлашдаги қийинчиликларнинг кўпгина объектив сабаблари мавжуддир. Жумладан, дори-дармонлар ишлаб чиқарадиган корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми камаймоқда. Бунинг устига дори-дармонларнинг бир қисми республика ва унинг пойтахтига ташқаридан олиб келинади.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ушбу муаммони ҳал этиш биринчи галдаги вазифалар қаторига қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов яқинда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқида республика раҳбарияти аҳоли учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларни харид қилиш учун қимматли валютани сарф этмоқда, деб таъкидлади. Шундай экан, уларни тақсимлашда адолат таъминланиши, яъни бирон-бир камчиликка, айниқса суиистеъмолликларга йўл қўйилмаслиги зарур.

Бироқ, давлат назоратчилари 80 та дорихонани текшириб, уларнинг 24 тасида турли камчилик ва нуқсонларни аниқладилар.

Масалан, дори-дармонлар уларни ишлатиш муддати тугагандан сўнг савдодан олиниши керак. Афсуски, барча дорихоналарда ҳам бу оддий қоидага риоя этилмайди. Муддати тугаган дори-дармонларнинг сақланиши ва улар билан савдо қилиниши Сергели туманидаги 65-, Шайхонтоҳур туманидаги 94-ва 155-, Мирзо Улуғбек туманидаги 19-, «Темирйўлфармация»ишлаб чиқариш бирлашмасининг 12-дорихоналарида, Тошкент механика заводининг тиббиёт-санитария қисмида аниқланган.

Ҳали ҳам дори-дармонларни яшириб қўйиш ҳоллари учраб турибди. Жумладан, «Темирйўлфармация»нинг 5-дорихонасида мавжуд 51 турдаги дори-дармондан атиги 17 таси савдога қўйилган. Бу ерда камёб ҳисобланган, аммо сақлаш муддати ўтиб кетган дори-дармонлар ҳам топилди.

Текширишларда бошқа кўпгина камчиликларга ҳам duч келинди. Масалан, Ҳамза туманидаги 38-, 71-, Собир Раҳимов туманидаги 77-дорихоналар, Акмал Икромов туманидаги 30-поликлиникада дори-дармонларни рецептсиз бериш ҳоллари аниқланди. Қатор даволаш-профилактика муассасаларида дори-дармонларнинг белгиланган меъёрдан кўпроқ сақланиши ҳоллари маълум бўлди. Хусусан, Чилонзор туманидаги 8-поликлиникада йил бўйи 5 минга атрофида бир марта ишлатиладиган игнадорига эҳтиёж бўлгани ҳолда омборда улардан 31 мингтаси топилди. Бу игнадорилардан 1 мингтаси ҳисобда йўқ экан. Бектемир туманидаги 158-дорихонада дори-дармонларни қабул, ҳисобга олиш ва сотиш қоидалари қўпол бузилиши 6 минг сўм камомадга олиб келган. «Фармация» бирлашмасининг 70-дорихонасида харидор ҳақидан 106 сўм уриб қолинган...

Айни пайтда текшириш давомида даволаш муассасаларида баъзан тиббиёт асбоб-ускуналари етишмаслигига қарамасдан бундай асбоб-ускуналар Мирзо Улуғбек туманидаги 6-туғруқхона, Яккасарой туманидаги 5-клиник касалхона, Акмал Икромов туманидаги 7-кўп тармоқли касалхонада қатор йиллар давомида ишлатилмай ётибди.

Юқорида қайд этилган мисолларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳри аҳолисини дори-дармонлар билан таъминлаш, улар саломатлигини сақлаш муаммоларини ҳал этиш учун жойларда тегишли тартиб ўрнатилиши кераклигини тақозо этмоқда. Давлат назорат комитетининг Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси томонидан аниқланган камчилик ва нуқсонларда айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан кўрилган чоралар худди шунга қаратилган. Жумладан, Бектемир ва Шайхонтоҳур туманлари давлат назорати инспекцияларининг тақдимномаларига кўра ушбу туманлар марказий дорихоналарининг мудирлари эгаллаб турган лавозимларидан четлатилдилар.

Бошқарма ҳайъати «Фармация» шаҳар ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган фармонларини бажариш соҳасидаги ишини етарли эмас, деб топди. «Фармация» шаҳар ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари А. З. Мўминов ва «Темирйўлфармация» бирлашмаси бошлиғи А. М. Раҳимовдан дори-дармонларни, тиббиёт асбоб-ускуналарини ҳисобга олиш, сақлаш, тақсимлаш ва фойдаланишда аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш учун барча чораларни кўриш талаб этилди.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Қ. Т. Ризаев ва Ўрта Осиё темир йўли врачлик-санитария хизмати бошлиғи Ш. Ж. Эшонхўжаевга ушбу масалани кўриб чиқиш топширилди.

Дорихоналарнинг иши ҳамда дори-дармонлар ва тиббиёт асбоб-ускуналарини ҳисобга олиш, сақлаш ва сотиш масалалари туман давлат назорат инспекциялари назорати остига олинди.

** Суратли ахборот*

АЁЛЛАРГА ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙЛИК

СЕРГЕЛИ туманида истиқомат қилувчи аёлларга куни кеча яна бир тиббий хизмат қулайлиги яратилди. Бу ердаги 10-туғуруқхона қошида бир сменада 170 беморга хизмат кўрсатувчи ҳамда 44 ўринли гинекология бўлими очилди.

— Аввал ушбу бўлим 13-шаҳар касалхонаси биносида жойлашган эди, — дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими мудири Содиқ Алимов, — табиийки санитария талабларига жавоб бермасди. Мана бугун бўлим жамоаси барокамера, ташхис қўювчи ультратовуш қурилмаси каби замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, хоналари кенг ва ёруғ бўлган бинога кўчиб ўтишди.

Беморлар учун бу ерда лозим бўлган барча шароитлар муҳайё. Икки ва тўрт ўринли беморхоналар тумандаги «Файз» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари билан безатилган. Бош шифокор Муяссар Муҳаммадқулова бинони бунёд этган 44-қурилиш бошқармаси ҳамда «Сифат» тажриба ишлаб чиқариш ва қурилиш бирлашмаси ходимларига ўз миннатдорчилигини билдирди. Улар қарийб ярим йиллик қисқа муддат ичида барча пардозлаш ишларини амалга оширишга улгуришди.

Янги бўлим очилиши маросимига Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов, вазир ўринбосари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Қулаҳмад Ризаев, Сергели тумани ҳокими Озод Асқаров ва бошқалар ташриф буюриб, бўлим жамоасини янги бинога кўчиб ўтгани билан қутлашди.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

СУРАТЛАРДА: янги бўлим очилишидан лавҳалар.

Александр Кондрашкин суратлари.

Ёш мусиқачига катта ишонч

КЛАРНЕТ ва саксофон чолғу асбоблари ижросида янграйдиган мусиқалар ўзига хос жозиба касб этади. Успенский номидаги республика мусиқа мактабида ҳам бу чолғу асбоблари ижрочиларини тайёрлаш яхши йўлга қўйилган.

Истеъдодли ёш мусиқачи И. Муртазоев кларнет асбобида кўпгина мусиқаларни моҳирона ижро этиб келмоқда. Унинг республика танловидаги чиқиши ижобий баҳоланди.

Ёш созандага яқинда яна бир катта ишонч билдирилди. Ёш кларнетчи истеъдодли чолғучиларнинг халқаро танловида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Келгуси йилги Германияда бўлиб ўтадиган бу катта ижодий кўрикда у янги мусиқа асарларини ижро этади.

Алишер АЗИМОВ.

КЕЧА шаҳримизнинг Шараф Рашидов кўчасидаги 40-уйдаги Марказий кўргазмалар залида ана шундай ном остида кўргазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни Эрон маданият ва ислом йўналиши вазирлиги тайёрлаган.

** Газетанинг шу сонига*

ЭРОН ИСЛОМ ЖУМҲУРИЯТИ МАДАНИЯТИ КЎРГАЗМАСИ

Тошкентликлар биринчи бор кенг экспозициялар билан, Эроннинг ўзига хос бўлган маданияти намуналари билан танишиш имконига эга бўлдилар. Бу кўргазма икки мамлакат ўртасидаги қадимий маданий алоқаларнинг қайтадан тиклиши борасида қўйилган яхши ва хайрли қадамдир. Бир қанча экспозицияларнинг бўлимларида санъат, бадиий адабиёт, динга оид бўлган ва болалар ҳамда ўсмирларга мўлжалланиб форс, араб, инглиз ва турк тилларида чоп этилган 500 та китоб намойишга қўйилган. Бадиий миниатюра тўпламлари, митти қилиб тайёрланган нодир асарлар ижро этилишининг гўзаллиги билан кишини ўзига мафтун қилади. Маълумки, китоб миниатюраси, санъати кўпгина мамлакатларда, шу жумладан қадимдан Эронда ҳам юксак даражада ўз такомилига эришган. Расмлар ва акварелларда, хаттотлик санъати намуналари, мактублар ва дастхатлар сизни Эрон усталарининг ажойиб маҳоратига ошно қилади. Шу жиҳатдан олганда Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомийнинг «Хамса» асарларидаги расмлар ўз мафтункорлиги билан сизни лол этади. Бу асарлар чиндан ҳам кўргазмага ажойиб ҳусн бериб турибди. Бинобарин бу ўринда Эрон ғиламлари ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди.

Кўргазманинг яна бир бўлими замонавий усталарнинг асарларига бағишланган. Булар полотно ва миниатюралар, тилла суви юритилган ёзувлардир.

Эрон Ислом Жумҳурияти билан бизни рангли суратлар ва бошқа суратлар ҳам яқиндан таништиради. Бу суратлар мамлакатнинг ҳаёти ҳақида, унинг фан ва маданият, санъатнинг турли соҳаларида эришаётган ютуқлари ҳақида, Эрон Ислом Жумҳуриятидаги аёлларнинг турмуши ва уларнинг тутган ўрни тўғрисида батафсил ҳикоя қилади.

Суратли лавҳалар бизни ушбу мамлакатнинг маданияти ва унинг дунёнинг кўпгина давлатлари билан, шу жумладан Ўрта Осиё давлатлари билан алоқаларидан хабардор қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, Эронда хаттотлик ва расм чизиш санъатига жуда ҳурмат ва эҳтиром билан қарашади. Ана шу бонсдан олганда кўргазмага келсангиз сиз санъатнинг ана шу тури намуналари билан яқиндан ошно бўласиз, Ҳофиз, Саъдий, Румий асарларидан парчалар, шунингдек турли хаттотлар томонидан ёзилган Қуръони Карим оятлари билан танишасиз.

Кўргазма очилиши маросимида Эрон Ислом Жумҳуриятининг Ўзбекистондаги Мувақкат ишлар вакили Сайид Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гулпаягоний қатнашди.

Кўргазма шу йилнинг 21 апрелига қадар ишлайди.

Саид БОБОЕВ.

** Тил тўғрисидаги Қонун қандай бажарилмоқда?*

ЧИН ЭЪТИБОР КЕРАК!

ТИЛ — халқ бойлиги, халқ маданияти чўққиси ва обрў-эъзози бўлгани учун ҳам муқаддасдир. «Тилга эътибор — элга эътибор» деб бекорга айтмаганлар азиз-авлиёлар ҳам. Она тилимизга етмиш йил давом этган эътиборсизлик аҳолини соқов қилиб қўяёзди. Таржима тили бўлиб қолган ўзбек тили миллийча фикрлашни чеклаб, чалкаштириб қўйди. Тарихимиз бундай давом этиши мумкин эмасди. Дилимизда ва тилимизда мустақиллик орзуси яшар эди. Шўро ҳокимлиги шароитида, коммунистик зонал тил гирдобидаги она тилимизнинг мустақил ривожланиши учун уни ана шу гирдобдан чиқаришимиз, зўрма-зўраки ва беихтиёр кириб қолган ўрисча-ўзбекча, байналмилал ўзлашмалар ўрнига ўзлигимиз бойлигини тиклаш ва янги муқобилларини топиш изланишлари кураши бошланди.

Бу курашлар натижасида, ниҳоят, 1989 йилги, ҳали шўро ҳокимияти қобиғидаёқ ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Шу Қонунни амалга ошириш учун ҳукумат дастури ҳам эълон қилинди. Республика, вилоят, туманларда давлат тили комиссиялари ҳам ишламоқда. Идораларда давлат тилида иш юритиш, олий ўқув юртларида давлат тилида ўқитиш учун тадбирлар белгиланди, луғатлар тузилмоқда. Ишхоналар ва ташкилотларда ўзбек тилини ўқитиш-ўргатиш курслари, тўгараклари очилди, баъзилари ҳозир ҳам ишлаяпти. Хўш, натижаси қандай? Албатта, бу соҳада бирмунча ишлар қилинди. Аммо қониқарли эмас. Жойларда гап кўп-ку амалий иш йўқ даражада. Идоралар ҳанузгача давлат тилида иш юритишга тўла ўтгани йўқ. Олий ўқув юртларида ҳам аҳвол ана шунақа. Жой номларини тартибга солишда эса палапартишлик ҳукм сурмоқда. Жамоа хўжаликлари, мактаблар, кўчаларга қўйилаётган номлар ҳақида анча-мунча норозиликларга сабаб бўлмоқда.

Ўзбек атамаларини ишлатишда ҳамон ҳар хиллик давом этиб келаяпти. Айниқса, 70 йил давом этган тоталитар тартиб даврида таржима тили бўлиб қолган тилимизни, унинг атамаларини халқимизга хос, мустақиллик даврмизга мос қилиб тартибга солиш секин бораяпти.

Маълумки, ўша Қонун туфайли тилимиз ривожи катта эркинликка эришди, она тилимиз имкониятларидан фойдаланиб, ўринли муқобиллар топилди, улар тилимизга дарҳол сингиб кетди. Бироқ атамалар ясаш жазавасида бўлар-бўлмас, тилга сингмас сўзларни атама деб ишлатишга ноҳаётий, ноилмий тўқима, уйдирма атамалар ишлатила бошланди. Натижада уларнинг кўплари халқимизнинг эътирозига сабаб бўлди, атамақўм бу ҳақда аҳолидан кўплаб мактублар олди.

Табиийки, изланишлар вақтида қўлга киргани қўйинга солинавергани, шолнга қўшиб курмакнинг ҳам қоплана-вергани натижасида биргина журнал атамасининг мажалла, жарида, ойнома, ойбитик каби ўн битта муқобили, ноҳия, тайёрағоҳ, олийгоҳ, билимгоҳ, манзилгоҳ, муаллимлар илмлари олийгоҳи, «давлатгоҳ» каби «гоҳ-гоҳлар» ишлатила бошланди.

Матбуотда, телеэкран ва радио тўлқинларида, нутқларда ишлатилаётган ана шундай атамаларнинг кўпини халқ ўзига сингдиролмай, айтишга тили келмай, жиғибийрон бўлганича бор эди. Атамақўм бундай бошбошдоқликларни неча бор муҳокама қилди, ундай ҳар хилликлар тўғрисида матбуотда, ойнан жаҳонда, эфирда чиқишлар қилди.

Атамашунослик қўмитасининг бўлимлари соҳалар бўйича ўрисча байналмилал атамаларнинг ўзбекча муқобиллари луғатларини тузишга киришдилар. Буларнинг айримлари нашр қилинди, кўплари қоғоз ва маблағ йўқлиги туфайли чоп этилмай турибди. Шу сабабдан ўзбек тилида дарсликлар тузиш ва нашр қилиш ишлари кечикаяпти. Шуни эътиборга олиб, асосий атамаларни тезроқ етказиб бериш мақсадида атамақўм ҳозирча атамаларнинг русча-ўзбекча қисқача луғатларини чиқаришга киришди. Ҳаммаси бўлиб 20 та қисқача луғат рисоласи ҳозирланмоқда. Шулардан Ботаника ва қонунчиликка оид атамалар рисолалари босилиб чиқди.

Ўйлаймизки, булар хамир учидан патир, деганларидек, катта ва мукаммал луғатлар босилиб чиққунча дарсликлар яратиш, дарс бериш, иш юритишда фойдаси тегади.

Атамақўмга келаётган мактублар билан бир қаторда матбуотда босилган турли мақолалар ва йиғилишлардаги нутқларда «Атамалар танлашдаги ҳар хилликлар қачон тугатилади? Муқобил танлаш принциплари қачон пайдо бўлади?» деган талаблар ўртага ташланди. Шу боисдан русча-ўзбекча атамаларнинг энг муҳимларини танлаб «Қайси бири маъқул?» деб матбуотда жамоатчилик фикри сўралди. Минглаб танлов таклифлари олинди. Шулардан энг кўп танлов овози олган атамалар ҳукумат тил комиссиясида муҳокама қилинди ва унинг қарори билан тасдиқланган атамалар газеталарда эълон қилинди. Афсуски, бунга амал қилишда ҳам бошбошдоқлик давом этмоқда. Ҳамон «туман» дейиш ўрнига район, ноҳия деб ёзиш ва сўзлаш камайгани йўқ. Ваҳоланки, Ўзбекистон Конституцияси матнида ҳам туман деб берилган. «Олийгоҳ», «манзилгоҳ» каби «гоҳ-гоҳ»лар шу кунгача тўхтаган эмас. Бу тил билмаслик, сўз маъносини тушунмаслик балоси, холос. Олийгоҳ дегани — олий жой дегани, бинобарин, у институтни билдирмайди. «Манзилгоҳ» дегани ҳам ана шундай «жойнинг жойи» дегани бўлади. Шунингдек, рўзнома сўзи ҳам газетани билдирмайди, форстожик тилидаги бу сўзлар бизда «кун тартиби»ни эслатади. Бизда «кун тартиби», «кундаликнома»ни эслатади. Буларга чек қўйиш вақти келди. Бу ҳақда неча бор матбуотда, радиода бонг урдик.

Ниҳоят, «Русча байналмилал ўзлашмаларнинг ўзбекча муқобилларини танлаш принциплари» ишлаб чиқилди. Машҳур тилчи, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Азим Ҳожиев томонидан ишлаб чиқилиб, Атамақўм умумий мажлисида маъқулланган бу илмий принциплар матбуотда эълон қилинди. Бу принципларга амал қилиб атама муқобили танлаб ишлатиш оммавий ахборот воситаларига ҳам тааллуқли. Бироқ бунга амал қилинмаяпти. Бошбошдоқлик латифа даражасига бориб, тилимиз масхара қилинмоқда.

Шу йилнинг 6 март куни газеталарда эълон қилинган «Нархлар қаерда, қанча?» деган маълумот жадвалида «рўзғор тўрваси» атамаси кашф этилибди. Ундан сал аввал газетада босилган бир мақоланинг сарлавҳаси ҳам «Рўзғор тўрваси» деб аталган эди.

Телевидение ва радио ахборотларида эса, «Рўзғор халтаси» деб атамоқдалар. Буларнинг иккаласи ҳам нотўғри. Ҳатто инсонга нисбатан «тўрва» ишлатиш ярашмайди. Негаки тўрвада ҳайвонга ем берилади. «Ёмон отни емга ўргатсанг тўрвасини тешади» деган мақол мавжуд. «Халта» сўзи эса, рўзғорда ишлатилмайди, уни «посилка» маъносида ишлатилади. Яъни, узоқ яқиндаги қариндош-уруғ, дўстларга «совға халтаси» юборишади. Ўзбекларда, умуман Марказий Осиё халқлари рўзғор харажати учун хуржун тутадилар. Янги рўзғор қилган кишиларга, айниқса, янги уйланган йигитларга «Олахуржун бўйнига тушди» дейдилар. Бу билан йигитнинг зиммасига рўзғор харажати масъулияти тушганини билдирадилар. Модомики, ҳаётимизга рус тилидан «потребительская корзина» атамаси кириб келган экан, унинг муқобилини отхонадан қидирмай, ўзимизда борини ишлатса бўларди.

Русча-ўзбекча муқобил атамалар танлашда унинг принципларига амал қилмоқ керак. Бу принциплар атамақўм ахборотининг ўтган йилги 5-6-қўшма сонида эълон қилинган ва «Халқ сўзи» газетасининг шу йил 2 март сонида чоп этилган. Бу принципларга ва тасдиқланган атамаларга амал қилиш ҳаммамизнинг, шу жумладан, матбуот ходимларининг бурчимиздир.

Яқинда, шу принциплар эълон қилинганидан кейин чоп этилган яна бир мақолада «гоҳ-гоҳ»лар тўғрисида маъқул гаплар айтилгани ҳолда «ўйингоҳ» сўзига қарши чиқади. Ваҳоланки, «ўйингоҳ» сўзи ҳам «жанггоҳ», «оромгоҳ», «сайилгоҳ»га ўхшаб тилимизда яшашга ҳақли. Чунки у ўйинлар бўладиган жойни билдиради.

Шунингдек, муаллиф, редакция сўзининг ҳам истеъмолда қолишини таклиф қилади. «Таҳририят» сўзи ёқмайди. «Таҳририят» сўзидан «таҳрир», «таҳрир қилиш» сўзлари ясалади. Редакция сўзидан «редактировать», «редактор» каби сўзларгина ясалиши мумкин. Бу билан тилимизни бойитиб бўлармикин, орқага қайтиш нима учун керак?

Муаллифнинг фикрича «редакция», «транспорт», «телевизор» каби сўзлар ўз ҳолича қолса, бу ўзбекларга ҳам, ўзбек тилини ўрганувчи бошқа миллат вакилларига ҳам анча маъқул иш бўлар эмиш. Миллий тил ва унинг ривожланиши бошқа миллат вакилларига маъқул бўлиши ёки бўлмаслигига асосланиши ғайри илмий фикр эмасмикин?

Халқ бойлиги, унинг маданияти чўққиси ва обрў-эъзози бўлмиш она тилимизга ҳақиқатан ҳам чин эътибор керак!

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Давлат тили тўғрисида Қонунни жорий қилиш республика комиссияси аъзоси.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгач, ушбу тил асосларини пухта ўрганишга кенг эътибор берила бошланди. Корхоналар, муассасалар аста-секинлик билан бўлса ҳам давлат тилида иш юритишни бошладилар. Лекин бу борада қиладиган ишлар кутилганидан ҳам эҳтиёж эканлиги борган сари маълум бўлиб қолмоқда. Буни энг аввало ўзбек тилидан сабоқларнинг жойларда чуқур ва мазмунли ўтказилмаётганлигидан деб билмоқ керак. Демак галдаги иш — дарсларни пухта ўтказишдан иборат.

СУРАТДА: ўзбек тилини ўрганиш гуруҳида навбатдаги машғулот давом этмоқда.

Андрей Пишненко суратлари.

ФАОЛИЯТИМИЗ ҲАМРОҲИ

БИЗНИНГ автомобиль транспорти вазирлигимиз ва унга қарашли автокорхоналарда давлат тилини жорий этишда бир қатор яхши ишлар бор. Аввало вазирлик қошида 15 кишидан иборат давлат тилини жорий этиш комиссияси тузилди. Худди шундай комиссиялар бирлашмалар, концернлар ва автокорхоналарда ҳам ташкил қилинди.

Тармоққа қарашли автокорхоналарда аввало рус тилида сўзлашувчи ходимлар учун ўзбек тили курслари очдик. Бу курслар 2—3 йилдан буён машғулотлар олиб бормоқда. Барча ташкилотларда ёзув машинкаларини ўзбек тилига мослаштирдик. Тузилган комиссиялар ўз фаолиятини махсус режа ва тадбирлар асосида олиб бориши натижасида вазирлик ва унга қарашли автокорхоналаримизда жамоа мажлислари, қарорлар, буйруқлар, идораларо турли хил ёзишмалар, ташвиқот-тарғибот воситалари бугунги кунда давлат тилида олиб борилмоқда. Камдан-кам ҳужжатларгина ўзбек ва рус тилида тайёрланади.

Вазирликда штатлар қисқартирилаётганига қарамай бир йилдан ошдики, давлат тили ҳақидаги Қонунни жорий этиш бўйича бош мутахассис лавозимини жорий этганмиз. Натижаси ёмон бўлмади. Ўз соҳасининг эгаси бош мутахассисимиз тармоққа қарашли вилоятлардаги автокорхоналаримизда давлат тилининг жорий этилишини назорат қилади ва амалий ёрдам кўрсатади. Мазкур масала вилоятлардаги вазирлигимиз ташкилотларида қандай аҳволда эканлигини ўрганиб, вазирлик ҳузуридаги комиссия муҳокамасига киритади. Комиссия қарорлари жойларда қандай бажарилаётганини қатъий назорат қилиб боради.

Бундан ташқари вазирликдаги комиссия қошида атамалар гуруҳи ҳам тузилган бўлиб, у тармоққа оид атамаларни тузиш ва ходимлар орасида ёйиш билан шуғулланади. Атамалар гуруҳи ташаббуси билан вазирликда «Автомобиль транспорти ходимлари учун қисқача русча-ўзбекча луғат» нашр этилди. Бу луғат ҳозирги пайтда бойитилиб, қайта нашр этиш учун тайёрланмоқда.

Вазирликнинг соҳа газетаси «Ўзбекистон автомобилчиси»да ҳам атамалар бурчаги ташкил этилган. Унда вақти-вақтида тармоққа оид атамалар эълон қилиб борилади. Газета ўз саҳифаларида вазирлик автокорхоналарида давлат тилининг жорий этилишини ёритиб, ижобий мақолалар билан бирга бу борадаги камчиликларни танқид қилувчи мақола ва суратли айбномалар ҳам бериб бормоқда.

Тўғри, давлат тили ҳақидаги Қонунни ҳаётга жорий этишда ҳал қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Маълумки, бизнинг тармоқда 137 минг ходим, жумладан 97 минг ўзбек, 16 минг рус ва 24 минг бошқа миллат вакиллари ишлайди. Ҳеч кимга сир эмаски, айниқса, қайси корхонада русзабон ходимлар кўпроқ бўлса, у ерда мазкур Қонун секинлик билан жорий этилмоқда. Лекин яна такрор айтаманки, кўп нарса корхонанинг раҳбарига боғлиқ.

Вазирлик бўйича иш юритишни юз фоиз давлат тилида олиб бориш борасида камчиликлар ва муаммолар бор, албатта. Шу муаммоларнинг кўпчилигини ўзимиз ҳал қилишимиз керак. Лекин менинг назаримда, баъзи муаммоларни ўзимиз ҳал қила олмаймиз. Улардан бири ўзбек тилида иш юритиш бўйича давлат стандартларига ва қўлланмалар ишлаб чиқиш вазифасидир. Аммо бу тадбир нимагадир секинлик билан бажарилмоқда. Оқибатда статистик ҳисоботлар, баланслар ҳалигача ўзбек тилига ўтказилганича йўқ. Статистикага оид бланкаларни давлат тилида марказлаштирган ҳолда тайёрлаб тарқатилса янада яхши бўлар эди.

Лутфулла ИСАЕВ.
Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти вазирининг ўринбосари, вазирлик давлат тили комиссиясининг раиси.

** Мустақиллик мевалари*

ЁШЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ аҳолисининг мустақиллигимиз шарофатидан завқланиб, юртимизда иқтисодий барқарорликка эришиш йўлида меҳнат қилаётганлигини кўриб кўзинг қувнайди. Шундай дамларда фан ва техникани янада ривожлантириш ҳар қандай иқтисодий муваффақиятларнинг гарови эканлиги ҳаммамизга аён. Айниқса, Республикамиз Президентининг ёш олимлар, иқтидорли талабалар ўз билим-кўникмаларини ва малакаларини оширишларига қаратилган кўплаб чоратадбирларини ҳаётга тадбиқ этаётганликлари қувонарли ҳолдир. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 1992 йил якунлари юзасидан ҳисобот анжумани бўлиб ўтди. Унда 15 нафар ёш олимлар ва талабаларнинг ўтган йилги ижодий изланишлари ҳам рағбатлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтларининг илмий ходим ва аспирантларидан О. Омонов, Ф. Раҳимов, Ф. Ермаханова, Р. Наврўзбоева, Д. Абдуллаҳўжаева, О. Намозов, Р. Жуманиёзов ҳамда Н. Ҳакимовларнинг биология, фан ва техника, кимё, тиббиёт, физика ва математика, ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий ишлари юқори баҳоланиб, уларга 3000 сўмдан мукофот пули берилди. Шунингдек, Тошкент Давлат университети толиби Евгений Абдуллаевнинг 1-Тошкент тиббиёт институтидан тавсия этилган толиб Саидакмал Нажмиддиновнинг ишлари олимлар эътиборини қозонди. Уларга 1500 сўмдан мукофот пули берилди. Бундан ташқари, аспирант ва олимлардан яна беш нафарига диплом ва кўкракка тақиб юрадиган нишонлар топширилди. Улар фан ва техника, физика-математика, биология, ижтимоий фанларни ривожлантириш борасида тер тўкаётган ёш олимлардан Аброр Муҳиддинов, Анаида Гўзалова, Юрий Лисейко, Зоҳид Рашид ва Зафар Маликовлардир.

— Умуман айтганда ёш олим ва талабаларга эътиборни кучайтириш борасида кўпгина ишлар қилинмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси механика бошқарув жараёнлари ва информатика бўлимининг илмий котиби Сафура Муҳаммедова.

Дарҳақиқат, иқтидорли ёшларга эътиборни кучайтириш уларнинг сафини яна-да кенгайтириш имконини туғдириши сир эмас. Тобора мустақил ривож топаётган республикамизда турли соҳаларда ижодий изланишлар олиб бориш, фан ва техниканинг мукаммалроқ бўлишини таъминлаш ишлаб чиқаришда сифат ва самарадорликка эришиш учун хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан олиб борилаётган ибратли ишлар билан кифояланиб қолмасдан, жойлардаги олий ўқув юртларида, мактабларда иқтидорли ёшлар билан алоҳида шуғулланиш, уларни ижодий ишларга йўналтиришга бор куч ва имкониятларни қаратмоқ даркор. Ўйлаймизки, барча ривожланган давлатлар билан ҳар томонлама мустаҳкам алоқа боғлаётган Ўзбекистон ёшлари яқин келажакда Беруний, Улуғбек каби боболари изидан бориб, ўз ишларини қиладилар.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

** Қуюнчаклик билан ёзилган*

Қачонгача давом этади?

МУСТАҚИЛЛИККА эришганимиз иккинчи йилга одимлаб, уни мустаҳкамлаш тадбирлари қонун, фармон ва қарорлар билан белгиланмоқда. Бу тадбирлар бажарилсагина мустаҳкам давлат барпо этилиши жадаллашади.

Не ажабки, республикамизда ўзбек тилига давлат мақоми берилганига 3 йилдан ошсаю бизнинг бош суғурта идорасининг бошлиқлари бу Қонунга риоя қилишни хаёлларига ҳам келтирмаяптилар.

Уй-жойни суғурта қилиш варақасини уч йилдан буён рус матнида (бир дона ҳам ўзбек сўзи ёзилмаган) оламиз. Авваллари биз қоғоз танқислиги ва илгаридан буюртма асосда кўпайиб босиб чиқилган варақалар деб муроса қилдик. 1993 йил тўловлари учун чиқарилган суғурта гувоҳномаси юқори қисмида 1992 йилда Олий Кенгаши тасдиқлаган Ўзбекистон Республикаси тўғроси туширилган «Страховое свидетельство» февраль ойининг сўнгги ҳафтасида тарқатилди. Юқорида айтганимдек ўзбекча, яъни давлат тилида ёзилган бирорта сўз йўқ. Ачинарлиси шуки, ушбу гувоҳнома 200 минг нусхада буюртма асосида босиб чиқарилган. Аввалига тўловни тезлаштириш учун зарурат деб бепарво бўлиб, хазинага тўлаш учун борсам у ерда ҳам тўлов «квитанция»си ҳам русча матнда ёзилган экан. Суғурта идораларига қўнғироқ қилсам, телефон эгалари ўзларининг ижрочи эканлигини айтишди. Тегишли идорага қўнғироқ қилсам, эътирозларимга «Қонунни аста-секин, босқичма босқич бажарамиз» деб жавоб беришди.

Во ажаб, бу сансалорлик, масъулиятсизлик қачонгача давом этаркин?!

Тоҳир САЛИМОВ,
меҳнат фахрийси.

** Луқма*

«КЎПИ КЕТИБ, ОЗИ ҚОЛДИМИ?»

ЎЗБЕК тилига давлат мақоми берилганига неча йил бўлди? Уч йилдан ошди дейсизми? Ҳа, баракалла. Бу муддат ҳар қалай кичик эмас. Агар бир йилимизни 360 кун деб ҳисобласак, учта шунақа йил ичида анча-мунча ишларни амалга ошириб юбориш мумкин. Албатта, бу хусусда қилинган ижобий ишлардан кўз юммаган ҳолда баъзи тишга тегадиган сўз ёки икки оғиз гапни ўзгартириш билан ҳамма нарса жойига тушадиган юмушларга ҳалигача қўл урилмай келинаётганлиги кишини таажжубга солади.

Мана бу диққатингизга ҳавола этилаётган суратлардан бири — Юнусобод туманига қарашли озиқ-овқат савдоси идорасининг 35-сон дўкони пештоқига илинган ёзувга бир эътибор беринг. Шу вақт ичида дўкон маъмурияти дўкон билан магазин сўзининг фарқига бормаётганлигига нима дейсиз? Қолаверса, Тошкент шаҳридаги айрим туманларнинг номини ўзгартириш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори чиққанига ўн ойдан ошди. Шу ҳужжатда бир қатор туманлар, жумладан Киров — Юнусобод, Октябрь — Шайхонтоҳур, Фрунзе — Яккасарой қилиб ўзгартирилиши ҳақида баён қилинган эди. Қарангки, орадан шунча вақт ўтса ҳамки, Юнусобод туманига қаровчи ушбу дўкон хизматчилари биргина Киров сўзини Юнусобод қилиб ўзгартиришни (агар ҳозир ўзгартирилган бўлса нур устига нур) ҳаёлларига келтиришмаяпти. Борингки, суратдаги ноҳия сўзи аллақачон район, ҳозирда эса туман деб аталиши хусусида гап юритмай ҳам қўя қолайлик.

Энди иккинчи суратга бир назар ташланг. Кўриб турибсизки, анча ўзбекчалашган ёзув. Лекин уни шакллантирган мўйқалам устасининг «Урда» деган тарихий номни ҳали ҳам «Урда» деб русча аташи бу орадан ўтган-кетган одамларнинг энсасини қотириши табиий. Балки «у» ҳарфининг устига белги қўйиш унутиб қолдирилгандир дерсиз. Ундай бўлса Октябрь ва ноҳия деган сўзларга қандай қарамоқ керак? Ахир, Октябрь — Шайхонтоҳур, ноҳия эса туман деб ёзилиши керак эди-ку.

Дўкон мутасаддиларидан бу ҳақда сўраганимизда: улар бундан уч ой муқаддам туман озиқ-овқат идораси таркибидан чиқиб, ижарага ўтиб ишлашаётгани, ҳозир эса тўғридан-тўғри «Тошкентсавдо» концернига қарашли эканликларини айтишди. Шундай экан, дўкон пештоқидаги ёзувни аллақачон янгиси билан алмаштиришлари лозим эди.

Учинчи сурат эса нафақат Ўзбекистонга, балки ўзга республикаларга ҳам донғи кетган «Россия» меҳмонхонаси олдида олинган. Собиқ Совет Иттифоқи даврида ва унинг республикаларо дўстлиги рамзи сифатида мужассамлантирилган бу устунли кўргазма умрбод тарихий «ёдгорликка» айланганига бир ярим йил бўляпти-ки, ҳамон ўзини кўз-кўз қилиб турибди.



Ушбу суратларни босмага тайёрлаётганимизда оқшомхон Мўминжон Исомиддиновдан қуйидаги хатни олдик. Уни айнан келтирамиз.

«Ҳурматли таҳририят! Мен Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тиббий-санитария бўлимининг учбурчакли муҳри йўқолганлиги ҳақидаги хабарни қайсидир газета саҳифасида ўқиб, жуда хурсанд бўлдим. Зора шу баҳона уч йилдан буён ўзбек тилини давлат тили ўрнида кўрмай, ҳамон ўша муҳрдаги сўзларни ўзбекчалаштирмай келаётган бўлим мутасадди раҳбарлари ўзларига тегишли хулоса чиқариб пешоналарини тириштириб бўлса ҳам айланасига ўзбек тилидаги матнлар битилган учбурчакли муҳрга буюртма берсалар».

Нима ҳам дердик. Ўртоқ Исомиддинов, тоқат билан яна бироз чиданг, ҳарқалай кўпи кетиб,ози қолди, ниятингиз бу сафар амалга ошишига умидвормиз. Юқоридаги суратларда акс эттирилган ёзувларга ғаши келиб юрган ҳамшаҳарларимизга ҳам шундай тилак билдиргимиз келади.

Маҳмуд ОРИПОВ.
Холмат Мирзакаримов суратлари.

ҲЕЧДАН КЎРА КЕЧ, ДЕГАНДЕК

БУНДАН уч йил муқаддам дедн. Албатта, мен бу фикрга қўшилмадим.

Мана орадан уч йил ўтди. Мен акамнинг ўша гапини тез-тез эслаб тураман. Ҳақиқатан ҳам, бу йил институтимизнинг 1-босқичида ўқиётганларнинг кўпчилиги ўзбек, тожик, қорақалпоқ, туркман, татар, қозоқлар. Улар ўзбек тилини яхши билишади. Ўзбек тилини сўзлашув даражасида билмайдиганлар бармоқ билан санарли. Лекин бу ўзбек тилини институтда бир неча йилдан сўнг ўқитишнинг ҳожати қолмайди деган гап эмас-ку. Менимча йўқ. Чунки ирригация институтида Куба, Африка, Лаос, Вьетнам, Ҳиндистон, Афғонистон каби жуда кўп хорижий мамлакатлардан келган талабалар ҳам илм олишади. Улар учун алоҳида деканат ва «Хорижий талабалар учун рус тили кафедраси» бор. Булар ишни ҳам, ўқишни ҳам рус тилида олиб боришади. Хорижий талабаларнинг кўпчилиги ўзбек тилини мутлақо билишмайди. Уни ўрганишга қизиқишмайди ҳам. Уларда бунга эҳтиёж йўқ. Чунки улардан ўзбек тилини ўрганишни ҳеч ким талаб қилмайди. Ваҳоланки, Ўзбекистон мустақил республика бўлганига бир ярим йилдан ошди. Энди улар рус тилини эмас, балки ўзбек тилини қунт билан ўрганишлари лозим. Яна бир гап. Ўзбек тилига давлат мақоми берилмасдан олдин рус гуруҳи талабалари битта чет тилини ўрганишган. Улар учун «Чет тиллар кафедраси» мавжуд. Бу ерда улар инглиз, немис, француз тилини ўрганишади. Ҳозир ҳам ўзбек тили билан биргаликда битта хорижий тилни ўрганишяпти. Миллий гуруҳдаги талабалар олдин ҳам, ҳозир ҳам фақатгина рус тилини ўрганишяпти. Ахир, шу инсофданми? Информатика, ҳисоблаш техникаси каби фанларда чет — Оврупа тилини билиш жуда асқотади-ку, ахир?! «Ҳечдан кўра, кеч» — деганларидек, миллий гуруҳ талабалари ҳам хорижий тиллардан бирини ўрганишлари жуда зарур. Шундай эмасми?

Орнф ЖУМАЕВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтининг ўқитувчиси.

*«Соғлом авлод учун» танловига

МУҚАДДАС ИНСОНИЙЛИК БУРЧИМИЗ

ХАЛҚИМИЗНИНГ доно бир гапи бор: «Пойдевори мустаҳкам уй узоқ туради». Буни ҳеч шубҳасиз юртимиз бойлиги, келажагимиз — ўсиб келаётган ёш авлодга нисбатан айтсак, таъбир ўринли бўлади. Бинобарин ёш авлодни соғлом қилиб ўстириш, муносиб тарбиялаш ва юксак фазилатли инсонлар қилиб, вояга етказиш ниҳоятда мураккаб ва машаққатли вазифалардан биридир. Бу азалдан ота-боболаримиз, файласуфлар диққат-эътиборини жалб қилган. Буюк мутафаккир Абдурахмон Саъдий болага тарбия беришни унинг ёшлигиданоқ бошлаш кераклиги ҳақида ўз вақтида жуда тўғри ва аниқ баён қилганлар:

Кимга ёшликдан берилмас одоб,
Улғайгач бўлади бахтсиз. дили ғаш.
Ҳўл новда эгилар қай хилда эгсанг,
Қуруқни тўғрилар фақат ўт-оташ.

Ривоят қилишларича, улуғ бобокалонимиз Абу Али ибн Сино олдига олти ойлик бемор гўдакни олиб келишганларида, у «Аттанг!» дегандек, бош чайқаб, деган экан:

— Тарбияси кечикипти, вақт ўтипти!

Шундай экан, олти ойлик гўдакнинг тарбияси кечикиб, у ўзининг дастлабки аччиқ асоратларини намоён қилган экан, биз нафақат олти ой, балки нақ етмиш уч йил моддий, маънавий жиҳатдан қашшоқлашиб, қадриятларимиз йўқотилиш даражасига етганлигимизни қай сўз билан ифодаламоқ мумкин? Кейинги вақтларда одамлар ўртасида иймон, инсоф, шарм-ҳаё, адолат, меҳр-шафқат, марҳамат, умуман одамийликнинг энг асосий ва зарур мезонлари сустлашиб, унинг ўрнини беҳаёлик, инсофсизлик, шафқатсизлик, ўғрилик, жаҳолат олаётганлигининг чуқур илдизи шу ерда эмасмикин? Айтишганидек, ҳаёт улкан бир дарахтга ўхшайди. Унинг иймон, ҳаё, адолат, шафқат, марҳамат деган бешта шохлари мавжуд. Инсонда ана шу бешта шоҳ фазилатдан бирортаси бўлса, у имонли, бирортаси бўлмаса, имонсизлигидан дарак беради. Шунинг учун ҳам тарбиясиз, бадхулқ кимсаларга нисбатан «инсофсиз», «имонсиз», «беҳаё», «жоҳил» деган иборалар ишлатилади. Ҳаёт дарахтини гуллатиб, яшнатиб турувчи энг асосий омил эса, унинг ўқ илдизи, бизнинг асрлар давомида шаклланиб келган ноёб ўтмишимиз, соғлом ва бақувват илдизларимиздир. «Ўқ илдизи соғлом ва бақувват дарахтнинг сояси ва меваси ҳузурбахш, беғубор бўлади», дейишади кексаларимиз. Чиндан ҳам биз умр дарахтининг ўқ илдизи — оналар ва болаларимизнинг ҳамиша соғлом ва бақувват бўлишини чин қалбдан ҳис қилиб, бу йўлда эзгу ишларни амалга ошираётганлигимиздан бениҳоя бахтлимиз, десак муболаға бўлмас. Бу борада анча ибратли ишлар қилинди ва қилинмоқдаки, бу халқ тили ва дилидаги айни муддаодир. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг 8 март байрами муносабати билан Ўзбекистон хотин-қизларига йўллаган табрик хатида қуйидаги жумлалар бор: «Ўзбекистон эндиликда келажаги буюк, кучли давлат бунёд этиш йўлидан бормоқда. Ҳар қандай давлатнинг асосини эса аҳил ва мустаҳкам оила ташкил этиши яхши маълум. Сизни биз оиламиз қўёши деб эъзозлаймиз. Сизнинг саховатли қалбингиз, меҳрли кўзларингиз хонадонимиз билан бирга жамиятимизнинг эртанги йўлларини ҳам файзли ва нурафшон қилишимизда, эл-юртимизда тинчлик, осойишталик ўрнатишда кўмак, умид ва илҳом бахш этади. Сизнинг турмушдаги, истиқболимизги гуллари бўлган болалар тарбиясидаги қувонч ва ташвишларингиз ҳаммамизнинг диққат-эътиборимиздадир. Бу борада ҳар қандай қийинчилик ва муаммоларни бартараф этиш давлатимиз сиёсатининг бош йўналишларидан бири бўлиб қолаверади».

Дарҳақиқат Ўзбекистон Республикасининг «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисидаги Фармон бу фикримизнинг тасдиғидир. Мустақил Ўзбекистон Республикаси биринчи орденининг жаҳон миқёсидаги сиёсий ва моддий, маънавий аҳамияти, обрўси ниҳоятда катта бўлиб, у халқимизнинг тараққиёти учун зарур шарт-шароитлар яратувчи, ёш авлодни ота-она, Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат, садоқат руҳида, ўз Ватанини ҳимоя қилишга ҳамда унинг бойликларини кўпайтиришга қодир чинакам ватанпарварлар қилиб тарбиялашга улкан ҳисса қўшган фидойилар, халқ вакилларига берилади. Ўзбекистон Республикасининг «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши ёш давлатимизнинг барча ватанпарварлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шундай экан, яна муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда Вазирлар маҳкамасида бўлиб ўтган республика фаоллари мажлисида айтган сўзлари янги куч, янги мазмун билан фикримизни бойитгандек бўлади: Президентимиз юрагида ўти бор, сергайрат одамлар, ёшлар, фидойи ватанпарварларга таянишни алоҳида уқтириб ўтдилар. Бу борада бизга яратилган катта имкониятлар ва олдимизга қўйилган юксак талаблар нуқтаи назаридан шу пайтгача қилган ва қиладиган ишларимизга танқидий кўз билан қарасак, ҳали ишга солинмаган заҳирадаги куч-ғайратларимиз, имкониятларимиз ниҳоятда кўплигига амин бўламиз.

Очиғини айтиш керак, биз узоқ йиллар мобайнида «шаклан миллий, мазмунан социалистик асосда» кундан-кун гуллаб-яшнаётган жонажон Ўзбекистонимиз ҳамда унинг озод, тенг ҳуқуқли, жафокаш, меҳнаткаш аёлларимизнинг оғир меҳнат остида эзилиб, аёллик, оналик бахтидан бенасиб ва бебаҳра бўлаётганликлари, оғир хасталиклар туфайли насл-насабимиз бузилаётганлиги, болаларимиз нимжон ва мажруҳ бўлиб туғилаётганлиги, ҳатто улар ҳаётидан беш кун бурун ўлиб кетаётганлигини ҳам кўра ва била туриб, уларни дала ва фермаларимиз юлдузи, маликалари, даврининг қаҳрамонлари деб, оғзимизга сиққанча ҳамду санолар айтдик, уларни сохталарга кўкларга кўтариб улуғладик, кўкракларига шода-шода нишонлар осдик. Лекин уларнинг сиҳат-саломатлиги ҳақида астойдил бош қотирмадик. Бири-биридан даҳшатли хасталикларга чалинган мунис ва меҳрибон аёлларидан туғилаётган болаларнинг, келажагимиз ҳаётимизнинг муносиб давомчилари бўлмасликларини, охир оқибатда эса юрак-бағримиз куйиб, беқиёс ғам-аламда, ҳасратда қолишимизни хаёлимизга ҳам келтирмаганимиз ниҳоятда ачинарли. Натижада бизнинг бу лоқайдлигимиз, айниқса Ўзбек аёлларига жуда қимматга тушди. Саксонинчи йилларнинг биринчи ярмида оналар ва болалар ўлими бўйича Ўзбекистон дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Шундан сўнг оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича шошилинч чора-тадбирлар кўрилди ва бу кўрсаткични сезиларли даражада камайтиришга эришилди.

Агар дўппини ерга қўйиб, инсоф ва диёнатни ўртага солиб, холисона фикр, мулоҳаза юритсак, бизда қадим замонлардан бери кўзи энди ёриган аёл бор хонадонда 40 кун чилла сақлангани бежиз эмас. Янги бўшанган она ва бола яшайдиган хонага бегона одам киритилмаган, она-боланинг тинчлиги бузилмаган. Шу йўл билан уларнинг тез қувватга кириб кетишлари учун имконият яратилган, нимжон таналарига бирор хасталик юқишининг олди олинган. Она то қувватга кириб, ўзини ўнглаб олгунича, унинг ёнида ё ўз онаси ёки қайнонаси, бирор ёш улуғроқ момолар бирга ётиб туришган. Ҳатто куёв йигит — ота ҳам бу хонада тунаши мумкин бўлмаган. Мабодо, чилла тартиби бузилиб, бир йилда иккинчи фарзанд туғилгудек бўлса, унинг ота-онасига ёмон назар билан қарашганки, бунинг тарбиявий аҳамиятидан ташқари моддий ва маънавий жиҳатлари ҳам бор. Сабаби, биринчи фарзанд ҳали она сутига тўймай, соғлом ва бақувват бўлиб олмагунича, орқасидан укаси етиб келиб, унинг «нонини яримта қилган». Натижада она сути айнаб, чақалоқ сутоғриқ дардига мубтало бўлган, заиф ва нимжон бўлиб ўса бошлаган. Тўғри, бунинг бошқа сабаблари ҳам бор, албатта. Аммо биз бу ерда муқаддас она сутининг улуғвор ва мўъжизакор қуч-қудрати ҳақида алоҳида сўз юритмоқчимиз. Зотан халқимизда «Сут билан кирган жон билан чиқар» деган ҳаётий нақл бор. Қадимдан маълумки, авлод-аждодларимиз, доно момоларимиз бола туғилиши биланоқ, уни дарров ювиб-тараб, онасига кўрсатишган, кўкрагига тутишган. Бу билан энг аввало она-бола ўртасида меҳр-муҳаббат ҳис-туйғуси, кўприги пойдеворига асос солинган. Эндигина дунёга келган чақалоқ онасининг кўкрагини сўриб, сут ҳиди билан бирга мурғак қалбида она меҳри, муҳаббатини ҳам туяди. Демак, чақалоқнинг нозик бош мияси ҳужайраларида онага илк бор меҳр-муҳаббат маркази қарор топиб, у тобора шакллана боради. Негаки, онанинг кўкрак сути, оғиз сути таркибида унинг насл-насабига хос ирсий хусусиятлардан ташқари яна бошқа кўплаб ноёб, ҳаётий моддалар ҳам мавжудки, улар боланинг келажакда соғлом ва бақувват бўлиб вояга етиши учун ниҳоятда муҳим омилдардан биридир. Афсуски, биз сўнгги йилларда қадимий урф-одатларимизни менсимай, оёқ ости қилдик. Муқаддас ва бебаҳо она сути турган жойда унинг қадрига етмай, соғиб ташладик, бошқалари билан аралаштириб сифатини буздик, боланинг бундай сут, аралашмаларни ичкиси келмай, афтини минг буриштириб, бурнини минг жийириб, қусиб ташласа ҳам, бурнидан ушлаб туриб, оғзига тиқавердик, тиқавердик. Мана, оқибатини кўриб, сезиб турибмиз. Шу маънода Жаҳон врачлари уюшмасининг Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган анжумани қарорига мувофиқ, 1993 йил—болаларни она сути билан боқиш йили, деб эълон қилиниши айни муддаодир.

Шуни ҳам эътироф этиш жоизки, «Қуш инида кўрганини қилар», дейишганидек бола қандай муҳитда, уйдами, боғчада тарбияланишидан қатъи назар, уларга албатта каттаҳар, қолаверса, ташқи муҳитнинг таъсири кучли бўлиб, ўз нуқсини қолдиради. Бу таъсирнинг ижобийми, салбийлигининг эса, болага сира аҳамияти йўқ. Шу маънода «Ким нима экса, шуни ўради».

Яна бир ҳаётий мисол. Маълумки, одамзод қадим замонлардан бери сеҳрли оҳанг, ёқимли куй, овознинг гадоси бўлиб келган. Ривоят қилишларича, қадим замонда бир подшонинг кўнгли скра куй, қўшиқни хушламас экан. У ҳатто шу даражага бориб етибдики, қўшиқ тугул ўзича хиргойи қилиб юрадиган одамларни ҳам қатл қилиш ҳақида фармон берибди. Тақдир тақозоси билан баджаҳл, золим подшо қаттиқ дардга чалинибди. Ҳеч қандай дори-дармон унга қор қилмапти. Бир табиб бу касални фақат куй, қўшиқ билан даволаш мумкинлигини айтибди ва шу йўл билан подшо шифо топибди. Кейин у қаттиқ янглишганлигини тан олиб, ўз фармонини бекор қилган экан. Инсон ҳаётида оҳангнинг бундай мўъжизакор таъсири ва ўрни ҳақида кўп эшитганмиз. Ҳатто Одам Ато танасига жон мусиқа орқали киритилгани ҳақида ҳам ривоятлар бор...

Гап бола тарбиясида сеҳрли оҳанг, куй, қўшиқ, ёқимли овоз ҳақида борар экан, оналаримиз айтган алланинг беқиёс кучи, таъсири ҳақида тўхтамаслик мумкин эмас. Оналаримизнинг жонбахш қўшиғи—аллаларда сахий қуёш ҳароратини, тошқин дарёлар мавжини ҳис қиласиз, она меҳри билан қалбимизга гул-ғунчалар иси, қовун, ҳандалак бўйи, оппоқ-ойдин кечаларда жимирлаб оқаётган сойлар сокинлигини туямиз. Ҳар биримиз ҳаёт гўзаллигини илк бор она алла садолари орқали юракдан ҳис қилганмиз. Зеро, унинг ҳар бир сатрида суҳбидамда сайраган қумри, булбуллар навоси, беданаларнинг бедор ноласи ўз ифодасини топгандек туюлади. Буюк алломамиз Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асарида алланинг аҳамияти ҳақида шундай ёзган эканлар: «Боланинг мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ лозим. Бири болани секин-аста тебратиш, иккинчиси уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган мусиқани чалиш ва аллалашдир.

Маълумки, алла айтувчилар ҳеч кимга айтолмаган ички сир, кечинмаларини, дард-аламларини болаларига айтиб, юракдаги дардларини изҳор этиб, ўз кўнгилларини ёзишган. Айтишганидек, алла юракдан узилиб чиққанлиги учун ҳам у тўғри нишонга тегиб, юракка бир умр қўйилиб қолган.

Шуларни ўйлаганда беихтиёр савол туғилади: хўш, биз шу пайтгача шарқона урф-одатларимизга амал қилиб, ундан нима ёмонлик кўрган эдикки, улар бир неча йиллар давомида бизнинг турмуш тарзимиздан бадарға бўлгач, нималарга эришдик? Ҳозирги пайтда оналаримиз, болаларимизнинг саломатликлари қандай? Ўсиб келаётган ёш авлод мустақил Ўзбекистоннинг сарҳадлари осойишталиги, тинчлиги, хавфсизлигини мардонавор ҳимоя қилиб, унинг қудратига қудрат, кучига куч қўша оладими? Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсига чиқиши учун бизнинг, ёшларимизнинг асосий вазифалари нималардан иборат бўлмоғи лозим?

Саволларга бирма-бир жавоб излар экансан, кейинги икки-уч йил мобайнида бу борада Президентимиз бошчилигида оналар ва болалар саломатлигини тиклаш йўлидаги бир қатор намунали, тарихий ишлар амалга оширилганлигини айтиш лозим. Бу аввало, келажак наслимиз тақдирини ўйлаб, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда заҳри қотиллардан фойдаланишни тақиқлаш ҳақида қарор қабул қилингани, сўнг кам таъминланган оилалардаги ҳомиладор аёлларга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари бериш қонунлаштирилгани, ҳомиладор аёллар вақтинча енгил ишга ўтказилиши, зарарли меҳнатлардан озод этилиши, туғруқдан сўнг бола тарбияси учун уч йиллик дам олишнинг жорий қилиниши ва бу давр аёлларнинг узлуксиз меҳнат стажига киритилишидир. Бола соғлом, баркамол бўлиб ўсиши учун оила таъминоти жойида бўлиши, сифатли овқатлар истеъмол қилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу мақсадда ҳукуматимиз бошланғич синф ўқувчиларини текин нонушта билан таъминлаш ҳақида қарор қабул қилди. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишнинг энг самарали йўлларидан бири сифатида санаторий-профилакторийларда тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва маданияти яхшиланди.

Президентимизнинг 1990 йил 4 сентябрдаги «Жумҳурият ёшларини армияга чақириш ва уларнинг ҳарбий хизмат ўташини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, армияга фақат соғлом, бақувват, чаққон, умуман ҳар томонлама етук йигитларни танлаб олиш йўлга қўйилди. Чақириқ натижаларини аввалги йиллардаги маълумотлар билан солиштирганимизда саломатлиги туфайли хизматга нотўғри чақирилганлар сони кескин камайди, хизматга нолойиқ деб топилганлар ҳамда бетоблиги учун чақириқ муддати вақтинча кечиктирилганлар сони 1989 йилга нисбатан 1992 йилда анча кўтарилди. Бу кўрсаткич ҳарбий-тиббий ҳайъатларда саралаш ишларида талабчанлик, масъулият сезиларли даражада ошганлигини кўрсатади. Масаланинг иккинчи томони, ҳарбий хизматга чақирилаётган йигитлар тиббий кўрикдан ўтишаётганларида уларнинг саломатликларида турли-туман функционал ўзгаришлардан тортиб, сурункали хасталиклар даражасигача ҳар хил ҳолатлар бўлиши, айниқса, организмда функционал бузилишлар тобора авж олаётганлиги (масалан ортопедик хасталиклар — ясси оёқлик, умуртқа поғонасининг нотўғри ривожланиши, жинсий аъзолардаги баъзи камчиликлар, асабий-руҳий ҳолатдаги баъзи бузилишлар, нимжонлик ва бошқалар) бизни ташвишга солмоқда ва буларнинг олдини олиш чораларини кўраяпмиз. Муаммоларни биргаликда ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатининг 1991 йил 14 ноябрдаги қарорига мувофиқ, Олий Кенгаш ҳузурида армияга чақирув ёшигача бўлган ва чақирилувчи ёшларни соғлом камол топтириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш кенгаши ташкил қилинди ва у ўз фаолиятини жадаллик билан олиб бормоқда. Кенгаш ўзининг нақадар ўз вақтида ва оқилона ташкил қилингани туфайли, дастлабки натижалар ёмон эмас. Чунки йиллар давомида идоралараро ҳал қилинмаган кўпгина муаммолар энди аҳил ва иттифоқлик билан, ўзаро келишилган ҳолда ҳал этилмоқда.

Умуман, ёшларимизни Ватан, армия хизматига муносиб тайёрлаш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик, бурчга садоқат руҳида тарбиялаш борасида соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ижтимоий-таъминот вазирликлари, жисмоний тарбия ва спорт комитети, «Ватанпарвар» жамияти, шунингдек, суд ва прокуратура органлари, оммавий ахборот воситалари, матбуотимиз ҳамда жамоатчилик, маҳалла-кўй фаоллари олдида турган долзарб вазифалар ниҳоятда кўп. Биз барча куч ва имкониятларимизни бирлаштириб, улуғ мақсад йўлида ҳаракат қилиш учун Ҳамкорлик дастури тузиш арафасидамиз. Чунки биз кўпчиликмиз, Ватанимиз эса яккаю ягонадир. Ватан келажаги — ўсиб келаётган ёш авлод қўлида. Шундай экан, ёш авлод қанчалик соғлом, баркамол бўлса, Ватанимиз шунчалик бой ва қудратли бўлади. Бунинг учун унинг пойдевори ниҳоятда мустаҳкам, пишиқ бўлиши зарур. Бу ишда жонбозлик кўрсатиш, бирғаликда куч-ғайрат сарфлаш нафақат давр талаби, балки барчамизнинг инсонийлик, авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Искандар РАҲМОН,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги армияга чақирилувчи ёшлар бошқармасининг етакчи мутахассиси,

● ТАНЛОЕ ҲОМИЙСИ — РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ.

* *Наврўз нашидаси*

КОРХОНАДА ШОДИЁНА

ТОШКЕНТ нон ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 5-нон корхонасида нишонланган Наврўз тантанаси ҳам файзли ўтди. Корхона меҳнаткашлари бу кунни ойлик режани ортиғи билан бажарган ҳолда кутиб олишди.

— Корхонамизда 300 га яқин новвойлар меҳнат қилишади, — дейди бизга унинг директори Зуҳриддин Эрматов. — Уларнинг кучи билан бир кунда 9 тонна оби нон, 55 тонна олий навли булка нонлар тайёрланмоқда. Улар Тошкентимизнинг 200 дан ортиқ нон дўконларига тарқатилади.

Жамоамиз байрамга яхши тайёргарлик билан келди. Ҳудудимизда ободончилик ишларини олиб бордик. Наврўз совғаси сифатида янги қандолат цехи ишга туширилди. Унинг жамоаси бир кунда 500 килограмм пряник ва 300 килограмм конфет маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда.

Байрамона безатилган корхона ҳовлисида 300 кишилик жой ҳозирлаб қўйилган. Шинам столлар устида турли ноз-неъматлар. Корхона дарвозасидан кириб келаётган меҳмонлар орасида фахрийлар, Ўзбекистон нон маҳсулотлари концернининг, туман ҳокимлиги раҳбарлари, турдош нон заводлари ва ўзга ташкилотлардан келган вакиллар бор.

Корхона жамоаси ушбу шодиёна кунда кам таъминланган оилаларни ҳамда шу ерда ишлаб меҳнат таътилига чиққан кексаларни рағбатлантириш ниятида, уларга пул мукофотлари топширишни режалаштирган эди. Шунингдек, кекса ишчи Файзулла Низомов ҳам тантанали равишда нафақага кузатилади. Шу муносабат билан унга мукофот тарзида 5 минг сўм ажратилган...

Байрам шодиёналари бошланди. Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов бошчилигидаги санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Дастурхонга тансиқ таом сумалак, ундан кейин ош тортилди.

Маҳмуд ОРИПОВ.

СУРАТЛАРДА: Наврўз тантаналаридан лавҳалар.
Фахриддин Умурзоқов суратлари.

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ ҚУВОНЧИ

СОБИР Раҳимов туманидаги Бобур маҳалла комитети жойлашган бинонинг олдидан кўп ўтганман. Ҳар гал ҳовли саҳнидаги ажиб манзара эътиборимни тортади. Озода супурилган йўлаклар, гуллар, дарахтлар кишига ҳузур бахш этади. Ўртадаги фавворани айтмайсизми, сувлари мармар ҳовузчага сачраб кичик ҳовлининг кўркига кўрк қўшмоқда.

Яқинда маҳалла комитетининг ҳовлиси маҳалладошлар билан гавжум бўлди. Улар Наврўз байрами, Бобур таваллудининг 510 йиллигини кенг нишонланди. Наврўзга бағишланган рангли расмлар, Бобурнинг ҳаёти, фаолияти ва шеърларидан намуналар ёзилган деворий газета, мустақил Ўзбекистоннинг байроғи байрамга файз киритиб турарди. Ноз-неъматлар тортилган дастурхон атрофида ота-оналар, ёш-яланглар йиғилишди. Улар орасида маҳалланинг оқсоқоллари 93 ёшли Саидумархўжа ота Акбархўжаев, 85 ёшли Аҳролхўжа ота Турсунов, 81 ёшни қаршилаган Маҳаммаджон ота Саидалиев, 80 ёшли Тўлаган ота Тўхтаев, 75 ёшли Аҳрол ота Зокиров савлат тўкиб ўтиришарди.

Маҳалла комитетининг раиси Бекмурод Жўраев йиғилганларни байрам билан табриклади.

Байрамда маҳалланинг энг кекса отахони, 93 ёшли Саидумархўжа ота Акбархўжаев ҳам сўзга чиқиб жумладан шундай деди:

— Ёшлик давримизда Наврўз кунларида «қизил гул» деган байрам бўларди. Уни форс тилида «гул суғур» деб аташарди. Ўша байрамни Чуқурсойда 20 кун нишонлардик. Рўза ҳайитида Шайхонтоҳурда халқ сайли бўларди. Минг қатла шукурки, Наврўз байрамини яна нишонлаяпмиз.

Меҳмонлар Ҳотам ҳофиз Қосимов, унинг ўғли, доирачи Бахтиёр Қосимов ва шогирди Маҳкам ҳофиз Убайдуллаев ижросида куй ва қўшиқлар тинглашди. Шайхонтоҳур тумани А. Навоий номли маданият уйи қошидаги «Дилрабо» дастасининг раҳбари, рақҳоса Шарофат Маҳмудованинг хиромон рақсларини томоша қилишди.

Дастурхонга ош тортилиб, байрам кечгача давом этди.

Нур МУҲАММАД.

Ўқувчилар таомлари тортилди

ИЎЛДОШ Охунбобоев номли 45-ўрта мактабда Наврўз айёмига бағишлаб ўтказилган кеча барчада катта таассурот қолдирди.

Мактаб ўқувчилари Наврўз айёмига катта тайёргарлик кўрганлиги яққол сезилиб турди. Мактабнинг 6 ва 7-синф ўқувчилари ўзлари тайёрлаган Наврўз таомлари бўлмиш кўк сомсаю чучвараларни, турли-туман миллий таомларни дастурхонга тортдилар. Устозлари ва ота-оналарининг дилларини қизиқарли томошалар билан хушнуд этдилар. Йиғилганларга улар тайёрлаган «Одобнома» ва «Ҳадис» намуналари, халқ куй ва қўшиқлари, лапарлар, аллалар, айтишувлар, келин саломлар жуда манзур бўлди.

Кечани ўтказишда мактаб директори Ёқубжон ака Иброҳимов, унинг муовини Олмахон Собирова, илмий бўлим мудири Фарида Мирзараҳимоваларнинг ёрдамлари катта бўлди.

Ўқувчилар меҳр-мурувват кўрсатиб, Наврўзга бағишланган телемарафонга 550 сўм миқдорида ёрдам пули ўтказдилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА.

САВОБЛИ ЮМУШ КИШИЛАРИ

ШАҲРИМИЗДА шундай бир савобли юмушни бажарадиган бош бошқарма бор. Бу бошқарма хизматчилари Тошкентнинг ораслиги учун, дов-дарахтларнинг қуриб қолмаслиги учун, юрадиган йўл ва йўлкаларимизнинг текислиги учун масъулдирлар. Бошқарма хизматчиларининг бундан ташқари бажарадиган хайрли ва савобли ишлари шунчалар кўпки, унинг саноғига етолмайсиз. Гап қайси бошқарма хусусида кетаётганлигини англаган бўлсангиз керак. Ҳа, биз Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасининг ободонлаштириш бош бошқармасининг кўп минг кишилик жамоаси ҳақида сўз юритмоқдамиз. Бинобарин, жамоанинг айниқса қиш кетиб баҳор ва ёз мавсуми бошланиши билан юмушлари кўпаяди.

— Бундай юмушларнинг бўлганига нима етсин, — дейди ободонлаштириш бош бошқармасининг бошлиғи Маҳамаджон Зуфаров. — Айниқса Наврўз айёми кезларида, бундай юмушлар кўпаяди. Жонажон шаҳримизни яшариш ва янгиланиш байрамига ҳар томонлама тайёрлаш учун озмунча меҳнат қилдикми?!. Ана шундай меҳнат фидойиларини шарафлаш мақсадида улар учун бугун тўкин дастурхон ёздик...

Ҳа, Наврўз байрами муносабати билан ёзилган тўкин дастурхон атрофига тўпланган бош бошқарманинг фидойи хизматчилари, узоқ-яқиндан келган қадрли меҳмонлар баҳор таомларидан татиб кўрдилар, қўли ширин ошпазлар тайёрлаган ошларни тановул қилдилар, ўзларининг дил сўзларида эса шаҳар ободончилари ишларига бундан кейинги юмушларида ҳам омад тиладилар.

Саид БОТИРОВ.

СУРАТЛАРДА: ободонлаштириш бош бошқармасида Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган тантанадан лавҳалар.
Андрей Пишненко суратлари.

ҚАДРИЯТЛАР УЛУҒЛАНДИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 34-билим юрти остонасида чалинган карнай-сурнай наволари барча-барчани айём тантаналарига чорлади. Тошкентнинг табиати ҳам ўзгача. Навбаҳорда бир қарасанг ёмғир қуяди, эрта ўтмай қуёш чарақлайди. Бугун эса ҳаво очиқ. Қуёш уфқдан кўтарилган пайтда билим юрти ҳовлиси талабалару, ўқитувчилар, таклиф этилган меҳмонлар билан гавжум бўлди. Барча Наврўз таомлари кўк чучваралардан тортиб, яллизли сомсаларгача, турли ичимликлардан сумалакларгача муҳайё этилган дастурхон атрофига тўпланишди.

Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирда ушбу билим юртининг собиқ талабалари республикамизнинг турли бурчакларида халқимиз хизматидадирлар. Баъзилари Ўзбекистонга донги кетган қандолатчилар, новвойлар ва хўжалик молларини тузатувчи ҳожатбарор инсонлар ҳисобланади. Айни кунларда қанчадан-қанча талабалар юқорида санаб ўтилган касб-ҳунарларни ўрганишмоқда. Илм даргоҳида 20 дан ортиқ миллат вакиллари таҳсил олишади. Суратқашлик, тикишчиш, тўқиш, мусиқа каби 10 дан ортиқ тўгараклар мавжудлиги кишини қувонтиради.

Наврўз дастурхонини ҳам бугун ушбу даргоҳнинг қандолатчилари талабалари дид билан безатишган.

Байрам шодиёнаси директор ўринбосари Нормуҳаммад Юсупов ва шаҳар халқ таълими бош бошқармасидан вакил бўлиб келган Омон Мамасолиевларнинг табрик сўзлари билан очилди. Кейин ош тарқатилди. Қўшиқлар куйга, ўйин-кулгию, шўх рақсларга уланди. Айниқса талаба қизлар тайёрлаган, миллий қадриятларимиздан бири бўлмиш келин саломи ўтирганлар қалбида ажиб бир кайфият уйғотди. Хонанда-ю созандалар ва мусиқа тўгараги раҳбари Турсуной Абдуғаниева раҳбарлигидаги қизларнинг шўх хиромлари, спорт ўйинлари кечага янада файз киритди.

Дилдера ОРИПОВА.

СУРАТДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.

Спорт — Спорт — Спорт — Спорт — Спорт

ЎЗБЕК ФУТБОЛИ ТАРАҚҚИЁТИНИ КЎЗЛАБ

Оммавий ахборот воситалари, Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш компанияси республикада футбол ҳаракатининг ривожланишини, энг яхши спорт клублари, спорт мактаблари, физкультура жамоалари мутахассислар ва тренерларнинг фаолиятини мунтазам равишда батафсил ёритиб борсинлар, республикада футбол мусобақалари ҳақида юксак билимдонлик савиясида шарҳлар тайёрласинлар. «Спорт» газетаси ҳузурида «Ўзбекистонда футбол» ҳафтаномасини чиқариш ташкил этилсин.

● [Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан].

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида спорт мактаблари, уларда тарбияланаётган ёшларга кенг ўрин берилганлиги билан бу ҳужжат биз учун айниқса, қадрлидир. Нега? Чунки, бутун Ўзбекистонни кезиб ҳам бизнинг билим юртимиздагидек шароит, бепул овқат, кийим-кечак, ётоқхона билан таъминланган, таълим бераётган мураббийлари етук малакали мутахассис бўлган масканни тополмайсиз. Ҳозирги кунда билим юртимизда ёшига қараб учта терма жамоага бўлинган 80 та бола тарбияланмоқда. Уларнинг барчаси эртага ўзбек футболининг асосий пойдеворлари бўлиб хизмат қилишлари муқаррар. Айни пайтда икки ўқувчимизнинг (эътибор беринг-а, битирувчимиз эмас, ўқувчимиз) «Пахтакор»да, етти таснинг «Политотдел»да ўйнаётгани ҳам катта ютуғимиздир. Анчадан буён билим юртимиз ҳудудида усти ёпиқ ўйингоҳ қурилишини мўлжаллаб юргандик. Унинг тархлари, жойи, керакли ҳужжатларининг барчаси тахт, фақатгина маблағ масаласида қийналиб роқ турибмиз. Ажаб эмаски, ана шу тарихий қарорнинг чиқиши қурилиш ишларини бошлашни келгуси йил режасига киритиш имконини берса.

КЕЛАЖАККА ЙЎЛ

Ўйлаймизки, Вазирлар маҳкамасининг қарори чиқишидан олдин ҳам ўз ишини фидокорона, масъулият билан бажариб келган, келаётган мураббийларимиз, яхши ниятлар билан энг гуллаган ёшлик чоғларини ўзбек футболига бахшида этиш истагида юрган ўқувчиларимиз қишин-ёзин машғулот ўтказиш имконини берадиган шундай ўйингоҳ эгаси бўлишга лойиқ.

Эркин ҒИЁСОВ,
Республика олимпия ўринбосарлари билим юрти директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий.

Бардам бўлишнинг, кучли бўлишнинг энг яхши омили бу — тош кўтариш ва спортнинг бу тури билан мунтазам машқ қилишдир. Тош қанча оғир бўлмасин у киши кайфиятини кўтаради.

Александр Паршин сурати.

Спорт — энг аввало соғлиқ ва вақти чоғлиқ демакдир. Худди шу сабаб ёшу қари ўзининг танлаши ва иқтидорига қараб бирон-бир тури билан шуғулланади. Табиийки, футбол барчанинг жони дили. Унинг сеҳрини майдонга тушиб, тўп тепганнинг билади.

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

ЎЗБЕКИСТОН ҳукуматининг сўнгги пайтларда аҳоли саломатлиги йўлида амалга ошираётган тадбирлари ҳар қандай таҳсиндан юқоридир. Вазирлар маҳкамаси томонидан қабул қилинган футболни ривожлантиришга йўналтирилган қарор эса ҳар бир бандида чуқур маъно мужассамлиги билан тарихийдир. Ҳали ўзбек футболи тарихида бундайин кенг кўламли ҳужжат дунёга келмаганди. Бу ҳам муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг спорт соҳасига кўрсатаётган катта ғамхўрлигидан бир нишона холос. Унда ёш, иқтидорли футболчиларни излаб топиш, тарбиялашга жиддий эътибор қаратилганлиги кўп вақт ўтмай ўзбек футболининг дунёнинг энг олди давлатлари даражасига қадар юксала олишидан далолат беради. Лекин мутахассислар, мураббийлар, қолаверса, тўп ўйинини жондан севган инсонларнинг барчаси қарорнинг тўла-тўкис амалга ошиши учун фидойилик кўрсатмоғи лозим. Футболга у ёки бу даражада боғлиқ бўлган шахслар ўз вазифаларига масъулият билан ёндошсалар ҳукуматимиз уларни қўллаб-қувватлаб турса оламшумул ғалабалар қўлга киражак кунлар олис эмас дея ишонч билдириш мумкин. Зеро, қарс ҳам икки қўлдан чиқади.

Жўра САИДОВ,
академик, футбол фахрийси.

Дўстлик риштали боғланмоқда

ЭРОН халқи ҳар йили ўзининг мустақиллик байрами шарафига спортнинг энг оммавий турлари бўйича халқаро мусобақалар уюштиришга одатланган.

Мазкур тадбирлар байрам шодиёналарининг ажралмас қисмига айланган.

Бу йилги қиличбозлар халқаро турнирида ўзбекистонлик тўрт вакилимиз — Рафқат Рўзиев, Теймурод Олимов, Алишер Бўриев ва уларнинг раҳбари спорт устаси Геннадий Ҳусановлар иштирок этдилар.

Россия, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркманистон ва Эроннинг тўрт терма жамоалари ўртасида ўтган қизғин баҳсларда Рафқат Рўзиев учинчи, Алишер Бўриев учинчи, Теймурод Олимов ўн иккинчи ўринни эгаллади.

Турнир давомида ҳар икки давлат ўртасида спорт алоқаларини ривожлантириш ҳақида илиқ суҳбатлар бўлиб ўтди. Шу йилнинг куз фасли бошларида Эрон қиличбозлари ҳамкорликда машғулотлар ўтказиш, мусобақаларда иштирок этиш учун ташриф буюрадилар.

Еттовлон ичра энг кучли

ЎЗБЕКИСТОН Давлат жисмоний тарбия институти спорт залида эркаклар жамоалари ўртасида волейбол бўйича шаҳар биринчилиги бўлиб ўтди.

Етти жамоа иштирок этган мусобақада СКИФ клуби спортчилари ғолиблик нашидасини сурдилар. Иккинчи ўринда «Промстрой» спортклуби тарбияланувчилари, шоҳсупанинг учинчи поғонасидан ҳарбий билим юрти вакиллари жой олдилар.

Талаба ва ишчи—ғолиб

КЕЙИНГИ пайтларда спортнинг бадминтон тури бўйича қатор мусобақалар ўтказилмоқда. Ниҳоясига етган шаҳар биринчилиги эса бадминтон ишқибозлари сафи кенгайиб бораётганидан дарак берди. Жуда қизиқарли ўтган учрашувларда шахсий ҳисобда ғолиб чиққан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг биринчи курс талабаси Юлия Якобсон ва «Матбуот» полиграфия бирлашмаси ишчиси Алишер Зоҳидов кейинги босқичда жуфтликда қатнашиб яна юксак маҳорат кўрсатдилар. Финалда Ирина Гонченко ва Олег Саватин жуфтлигини енгган Алишер ва Юлия шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилдилар.

Жамоа ҳисобида биринчи ўрин Тошкент олий спорт маҳорати мактаби, иккинчи ўрин республика болалар ва ўсмирлар олимпия ўринбосарлари тайёрлаш мактаби спортчиларига насиб этди.

Кучлилар баҳси

ЎЗБЕКИСТОННИНГ энг кучли теннисчилари иштирокида ўтказилган республика миқёсидаги турнир ниҳоясига етди. Гарчи унда Олег Огородов ва Татьяна Федоровалар қатнашмаган бўлсаларда, 16 эркак ва 13 аёл спортчи совринли ўринлар учун шиддатли кураш олиб бордилар.

Эркаклар орасида кутилганидек Дмитрий Томашевич ғолиб чиқди. Муросасиз ўтган финал баҳсида ютқазган Антон Иванов иккинчи, Тимур Ҳонхўжаевни енгган Фарҳод Ғуломов учинчи ўринни эгаллади.

Аёллар мусобақасида бош соврин Оксана Яриковани 6:1, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратган Светлана Синицинага насиб этди.

Учинчи ўринда эса теннисчи Олеся Артёмова.

● Спорт оламидаги хабарларни «Тошкент оқшоми»нинг спорт шарҳловчиси Шуҳрат ЗОКИРОВ тайёрлади.

Талабчанликка ўрганайлик

ЎЗБЕКИСТОН ҳукумати томонидан футбол тараққиёти учун махсус ҳужжат қабул қилинганлиги, жамғарма ташкил этишга асос солинганлиги, ҳатто дастлабки 100 миллион сўм ажратилганлиги, буларнинг барчаси қувончли ҳолдир. Лекин мураббийлар, ўйинчиларнинг ўзлари биринчи навбатда ўқув-машғулот ўтказиш ишларининг сифатини юқори даражага кўтармас, унга ижодий, масъулият билан ёндошмас эканлар, ҳеч қандай қарор Ўзбекистон тўп ўйинини жаҳон талаблари қадар юксалтиришга қодир эмас. Демак, дастлабки талаб — мутахассису футболчиларнинг ўзидан бўлиши лозим.

Футбол кафедрамиз эса бу йўлда қўлидан келажак ёрдамларини ҳеч қачон аямаган, аямайди ҳам. Масалан, ўқув машғулотларини илмий асосда ташкил этиш, маҳоратларини ошириш ниятида олий ва биринчи лига мураббийларининг йиғинларини уюштирдик. Эътироф этиш мумкинки, улар юқори саviяда ўтказилди.

Келгуси режаларимиз орасидан мураббийлар учун махсус қўлланмалар нашр этиш, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ниятида яна қатор назарий-амалий йиғинлар ташкил этиш ўрин олган. Чунки, яна бир карра таъкидлайман, машғулотлар ўтказиш сифатини яхшиламай, уларни фан ютуқларига таянган ҳолда уюштирмай футболимизни тараққий эттиролмаймиз.

Раҳмон НУРИМОВ,
Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг футбол кафедраси мудири.

БИРИНЧИ КУРТАКЛАР

ФУТБОЛНИ ривожлантириш ҳақидаги қарорни жуда қувонч билан кутиб олдим. Бу жуда юксак даражадаги ғамхўрлик намунасидир. Ўзим Тошкент трактор заводининг ўйингоҳига яқин жойда тураман. Илгари ҳам тез-тез тўп тепиб турардик. Энди бўлса яқин кунлардан бошлаб бу ерга келиб ўйновчилар, мини-футбол мусобақаларида иштирок этишни истовчилар сони кескин ошганининг гувоҳи бўляпман. Ким билади дейсиз, балки бу ўша қарорнинг рўёбга чиқаётган биринчи куртакларидир.

Анвар РАШИДОВ,
«Протезист» бирлашмаси директорининг муовини, физика-математика фанлари номзоди, «Пахтакор»нинг собиқ дарвозабони.

Ўзбекистон ойнаи жаҳони спорт кўрсатувлари таҳририятининг бу йилги футбол мавсумини ёритишда ҳар қачонгидан ҳам жонбозлик кўрсатаётгани сир эмас. Республикамизнинг турли вилоятларидан бир куннинг ўзида иккитадан ўйин олиб кўрсатилаётгани (бунақаси ҳали ўзбек телевиденнеси тарихида бўлмаган) мухлисларни жуда қувонтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари ҳақидаги қарори»дан сўнг эса спорт телекурналистлари ҳам маълум тадбирлар, режалар белгилаган бўлишлари табиий. Биз шу ҳақда аниқроқ маълумот олиш ниятида Ўзбекистон ойнаи жаҳони спорт кўрсатувлари бош таҳририятининг бош муҳаррири Азим Алимовга мурожаат қилдик.

— Аввало таҳририятимизда меҳнат қилаётган ижодий ходимлар номидан Ўзбекистон давлат телевиденнеси ва радиоэшиттириш компанияси раҳбариятига барча муаммоларимизни ҳал этишда ёрдам кўрсатаётганликлари учун катта миннатдорчилик билдирмоқчимиз. Сўнгги пайтларда спорт кўрсатувлари учун ойнаи жаҳон дастуридан кенг ўрин берилаётганлигида уларнинг хизмати беқиёсдир.

ИСТЕЪДОДЛАРНИ ИЗЛАЙМИЗ

Футбол ҳақидаги қарордан келиб чиқадиган режаларимизга келсак, катта футболга бўлган эътиборни сусайтирмаган ҳолда спорт мактаблари ҳаётига, вилоятларда амалга оширилаётган ишларга бағишланган кўрсатувлар тайёрламоқчимиз. Албатта, техник жиҳозларга бўлган эҳтиёжимиз катта, шунинг учун бориди ҳам унумли фойдаланиш ниятида чекка вилоятлардан тайёрланадиган кўрсатувимизни футбол учрашувларини олиб кўрсатишга боргани мизда тасмага туширib олиш ниятидамиз.

Таҳририятимизнинг иш фаолияти кенгайиб бормоқда, бу кишини қувонтирмай қўймайди. Лекин битта оғриқли муаммомиз бор. У ҳам бўлса— шарҳловчилар масаласи. Республикамиз спортининг у ёки бу тури бўйича юқори малакага эга бўлган мутахассислар кўп, аммо аксарияти шарҳловчилик қилолмайди. Ўзида кўрсатувлар тайёрлаш, олиб боришда иқтидор бор деб ҳисоблаганларнинг эса спорт соҳаси бўйича билими етишмайди. Халқимиз орасида истеъдодли, спортни жондан севган, ҳаётини шу соҳага бахшида этмоққа бажонидил розн бўлган инсонлар етарли. Бизнинг истагимиз ана шулар орасидан энг салоҳиятлиларини танлаб олиш, жамоамизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида кўришдир. Шунинг учун қалбида спорт шарҳловчилигига иштиёқ бўлган, малакали, машаққатлардан чўчимайдиган барча йигитлар таҳририятимизга ташриф буюришлари, ўз кучларини синаб кўришлари мумкин.

Спорт — Спорт — Спорт

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЯККА ТАРТИБДА ХУСУСИЙ УЙЛАРДА ЯШОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ «ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ

Шаҳар сув қувуридан бир кишига бир ойда сув истеъмол қилиш меъёрларини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

КАНАЛИЗАЦИЯЛАШТИРИЛМАГАН УЙЛАРДА:

— ҳовлидаги сув тақсимлаш манбаи — 2, 3 м³ (1 сўм 15 тийин);
— шунинг ўзи, ҳожатхона билан 3,8 м³ (1 сўм 90 тийин);
— ички сув қувури (раковина) ювиш чаноғи билан — 3,0 м³ (1 сўм 50 тийин);
— шунинг ўзи, (унитаз) ҳожатхона чаноғи билан — 4,5 м³ (2 сўм 25 тийин);
— ички сув қувури, ювиш чаноғи, ваннахона (ҳаммом) ёки душ билан — 5,3 м³ (2 сўм 65 тийин);
— шунинг ўзи, ҳожатхона чаноғи билан — 6,8 м³ (3 сўм 40 тийин);

КАНАЛИЗАЦИЯЛАШТИРИЛГАН УЙЛАРДА:

— ички сув қувури, ювиш чаноғи билан — 3,5 м³ (2 сўм 80 тийин);
— шунинг ўзи, ювиш чаноғи ва ҳожатхона чаноғи билан — 4,4 м³ (3 сўм 52 тийин);
— шунинг ўзи, ювиш чаноғи, ваннахона (ҳаммом) ёки душ билан — 6,1 м³ (4 сўм 88 тийин);
— шунинг ўзи, ювиш чаноғи, ҳожатхона чаноғи, ваннахона (ҳаммом) ёки душ билан — 7,0 м³ (5 сўм 60 тийин).

МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ИССИҚ СУВ ТАЪМИНОТЛИ КАНАЛИЗАЦИЯЛАШТИРИЛГАН УЙЛАРДА:

— ички сув қувури, ювиш чаноғи, ҳожатхона чаноғи, ваннахона ёки душ билан — 8,1 м³ (7 сўм 21 тийин).

ҚУЙИДАГИЛАР МАВЖУД БЎЛГАНДА:

— ЁЗГИ ДУШ — 1 июндан 1 сентябргача 1 кишига ойига 1,8 м³ (0-60 тийин);
— ЕНГИЛ АВТОМАШИНА — 18 м³ (9 сўм 00 тийин).

Жорий нархлар: 1 м³ сув учун — 0-50 тийин, 1 м³ канализация учун — 0-30 тийин.

Сувдан фойдаланганлик ва канализация хизматлари учун тўлов ҳақини йилнинг ҳар чораги тугаганидан кейин 10 кундан кечикмасдан фақат Тошкент шаҳридаги кирим кассаларигагина тўлаш лозим.

ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН: Сувдан фойдаланганлик ва канализация хизматлари учун ҳақ ўз вақтида тўланмаган тақдирда сув қувури қўшимча огоҳлантиришсиз узиб қўйилади!

— Шахсий томорқа участкаларидаги экин-тикинлар, йўлкалар, майдонлар, хиёбонларни сув қувури тармоғи орқали суғориш

ҚАТЪИЙ МАН ЭТИЛАДИ:

Истисно тариқасидагина кўкатларни тунги соатлар (23.00 дан 6.00 гача)да суғоришга рухсат этилади.

Суғориш учун ҳақ 1 кв.м. ерга — 4,5 м³ — 4 сўм 50 тийин (К 01-04-1989.4 прейскурантга мувофиқ) ҳисобидаги эркин (шартномавий) жорий нархларнинг икки баравари ҳажмида олинади.

Белгиланмаган вақтларда ижозатсиз суғориш ҳоллари аниқланган тақдирда сув қувуридаги босимнинг энг юқори бўлган пайтидаги тўлиқ сув сарфининг ойлик миқдори ҳажмида ҳақ олинади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 56-62-45, 56-61-25.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Автомобилларни таъмирлаш бўйича чилангар ва электр-газ пайвандчи ихтисоси билан бирга «С» тоифадаги автомобиль ҳайдовчилар — 3 йил;
слесарь-сантехник-электрпайвандчилар — 1, 2, 3 йил;
автомобиль ремонти бўйича чилангарлар — 1, 2, 3 йил ва 6 ой;
қоғоз ишлаб чиқариш бўйича технологик қурилмаларга хизмат кўрсатиш технологлари — 1, 2, 3 йил;
электр-газ пайвандчилар — 1, 2, 3 йил;
тикувчи-мотористкалар — 1, 2, 3 йил;
Кундузги ва кечки пуллик «С» тоифадаги автомобиль ҳайдовчилари — 6 ой.

ЎҚИШГА 14 ВА ЎНДАН КАТТА ЕШДАГИ 8, 9, 10, 11-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЕШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 2—3 йил муддат билан ўқиётган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар, улар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва касб эгаллаганлиги ҳақида диплом ҳамда мутахассислик даражаси берилади.

10, 11-синф маълумотига эга бўлган 6 ой ва 1 йил ўқийдиган ўқувчиларга ойига 1170 сўмдан 2500 сўмгача стипендия тўланади. Хоҳишига қараб ишлаб чиқариш тажрибасини Тольятти шаҳрида ўтказиш мумкин.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

МАШҒУЛОТЛАР 1 сентябрдан, 6 ойлик пуллик ва давлат таъминотидаги курсларда гуруҳларнинг йиғилишига қараб бошланади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй (12, 52, 68, 111, 183-автобуслар; 5, 26-трамвайларнинг «Ёғ-мой комбинати» бекати; 26, 161-автобусларнинг «Жамила» дўкони» бекати).

Қабул комиссиясининг телефони — 91-33-94.

«ПАХТАКОР» РЕСПУБЛИКА СПОРТ-МАШҚ БИРЛАШМАСИДА

16 апрель соат 17.00 да «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «БИНОКОР» (Қибрай) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Чипталар сотилмоқда.

«ВИЗИТ» КИЧИК КОРХОНАСИ қуйидаги йўналишлар бўйича САЕҲАТГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:
— ПАНФИЛОВ;
— ВИЛЬНЮС.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 30-уй. Телефонлар: 32-37-21, 35-40-13, 22-94-38

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/IV да **Хотинлар «ғаши»дан чиққан ҳангома** ((17.30), 16/IV да **Мирзо Улуғбек** (17.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Ўзбек цирк жамоасининг 50 йиллигига бағишланган ЮБИЛЕЙ ТОМОШАЛАРИ (15, 16/IV да соат 18.00 да; 17/IV да соат 14, 17.00 да; 18/IV да 12, 15.00 да).

СУЮНЧИСИ БОР

● 31 март куни эрталаб Марказий универсал дўкони ёнида терисида оқ доғлари бор қора рангли кичик пудель зотли эркак кучук йўқолган. Уни кўрган, топган ёки у ҳақда билганларни 42-23-48 телефонига қўнғироқ қилишларини сўраймиз. Кучукни қайтарганлик учун суюнчи бор.

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

Ғазета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; зълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарларн аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. Буюртма Г—173. 19899 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, Қоғоз бичими А—2. Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30

■ Босмага берилди 11.30. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6